

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Ахмадҷонова Шахнозахон Яркиновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

“Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти

+998950817808 Ahmat.jon.aj@gmail.com

Аннотация: Ҳар бир мамлакатни тараққий этиши инсон ҳуқуқларини ҳимоясига бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатда бу вазифани адвокатларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан адвокатура институтининг ҳуқуқий кафолатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: Конституция, адвокатура, адвокат, юридик шахс, жисмоний шахс, адвокатлар палатаси.

ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ ИНСТИТУТА АДВОКАТУРЫ.

Аннотация: Развитие каждой страны напрямую зависит от защиты прав человека. В правовом государстве эту задачу сложно представить без юристов. Именно поэтому в нашей стране правовым гарантиям правового института уделяется особое внимание.

Ключевые слова: Конституция, адвокатура, адвокат, юридическое лицо, физическое лицо, коллегия адвокатов.

LEGAL GUARANTEES OF THE INSTITUTE OF ADVOCACY.

Abstract: The development of every country is directly dependent on the protection of human rights. In a legal state, it is difficult to imagine this task without lawyers. That is why our country pays special attention to the legal guarantees of the legal profession.

Key words: Constitution, bar, lawyer, legal entity, natural person, bar association.

Ҳар бир мамлакатни тараққий этиши инсон ҳуқуқларини ҳимоясига бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқий давлатда бу вазифани адвокатларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки усиз жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш иложсиздир. Хусусан жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш бирон-бир давлат органига эмас, балки адвокатларнинг касбий бирлашмаси бўлмиш адвокатуранинг зиммасига юкланган.

Янги Конституциямизда адвокатуранинг мавқеи ва нуфузи тубдан ўзгарди. “Адвокатура” номли алоҳида боб белгиланиб, ушбу бобда адвокатуранинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди. Мазкур боб 141 ва 142-моддаларни ўз ичига олади. 141-моддада жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатиши, адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланиши, адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланиши таъкидланган. 142-модда эса қуйидагича ифодаланади: “Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилинади”.

Янги Конституцияда адвокатларнинг касбий фаолиятига оид бир қатор кафолатлар белгиланмоқда. Хусусан, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги Конституция даражасида кафолатланмоқда. Бу эса, адвокатнинг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини тўлиқ таъминлайди. Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни кадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Адвокатнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганда, унга бирон-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди. Айни пайтда, давлат адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан тўсқинликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши назарда тутилмоқда. Бу – адвокатлар ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб миқдори ва муддати чекланмаган холи учрашувлар ўтказиши мумкин, деганидир. Шунингдек, адвокатлар ўзларининг ҳимояси остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қўрилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади.

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, кадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда бевосита ёки билвосита аралашиш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва техник ходимларидан худди шу

маълумотни талаб қилиш тақиқланади.Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганда,бирон-бир шаклда аралашшига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 11-октябрда қабул қилинган ЎРҚ-497-сонли қонунига асосан, эндиликда суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, судя бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасини ёзма шаклда хабардор қилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари адвокатлик сири билан ҳам боғлиқ бўлиб, унга кўра адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сири жумласига ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) адвокатдан ёрдам

сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоясидаги шахс) ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва моҳияти, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради.

Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокат стажёри, адвокатлар бюрёлари хайатлари,фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимларининг адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотларни ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши ман этилади.

Адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқигадан фойдаланади Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда тўланади.

Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш,унингдавлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Энг муҳими, янги конституциявий нормадан бири адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши, адвокатнинг касбий ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинишидир. Давлат бу орқали ўз зиммасига улкан ва масъулиятли вазифани олмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатурага бағишланган янги бобнинг янги Конституцияда акс этиши жамиятда адвокатура нуфузининг ошишига хизмат қилади. Янада муҳими, янги конституциявий нормалар адвокатлар мустақиллиги таъминланиши, ҳар бир фуқаронинг малакали юридик ёрдам олиш кафолатининг кучайиши, пировардида унинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишига олиб келиши тайин.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.2023йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5442-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 12-майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5441-сон фармони